



O'ZBEKISTON OVOZI

2011-yil, 3-mart. Payshanba 27 (31.303) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

Идоралараро кенгаш йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 февралдаги «2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматларини янада сифатли ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги қароридан белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш масаласи кўриб чиқилди.

Йиғилишда электрон кутубхоналар бўйича намунавий низомни ишлаб чиқиш, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналарда электрон шаклда тўлиқ матнли ахборот-кутубхона ресурслари фондини ташкил қилиш, ахборот-кутубхона муассасаларини жиҳозлаш, мамлакатимизнинг интеграциялашган ахборот-кутубхона тармогини яратиш, электрон ахборот-кутубхона ресурслари фондини шакллантириш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар муҳокама қилинди. Йиғилишда мамлакатимиздаги мавжуд босма нашрларни, адабиёт ва санъат асарларини, қўлёзма ва график хужжатларни, тарихий, илмий ва маданий қимматга эга ноёб нашрларни электрон шаклга ўтказиш ва сақлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, улардан

ўқувчи ва талабалар, аҳоли кенг фойдаланиши имкониятларини яратиш вазифаси кўйилди. Электрон кутубхоналарни шакллантириш ва улардан ахборот-кутубхоналар муассасаларининг интеграциялашган тармоғи лойиҳаси «Электрон таълим» миллий тармоғи билан узвий ҳолда самарали фойдаланишни таъминлаш, электрон ресурслар ва мультимедиа маҳсулотларидан барча олий таълим муассасаларида тўлиқ фойдаланишни йўлга қўйиш лозимлиги қайд этилди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан республикада ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматларини янада ривожлантириш борасида кўйилган вазифалар ижросини тўлиқ амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди, тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎзА)

Фракция фаолияти



ЎзХДП депутатларининг нуқтаи назари

белгилаб олинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Фракция аъзолари дастлаб «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини учинчи ўқишда муҳокама этишди. Айтиш жоизки, мазкур қонун лойиҳасида кўзда тутилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳужжали юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тизимини янада такомиллаш-

тиришга хизмат қилади. Депутатлар қонун лойиҳасини муҳокама қилар экан, бу ўзгартиш ва қўшимчалар текшириш жараёнини янада аниқ ва ҳаққоний, ишончли ва ўз ўрнида бўлишини мустақамлашга хизмат қилишини таъкидладилар. Иккинчи ўқишда киритилган «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокамага сабаб бўлди.

Ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган, унда ахборот-кутубхона фаолияти, унинг тартибга солиниши ҳамда давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳолатларининг юридик асоси кўзда тутилган. Шунингдек, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, ахборот-кутубхона ҳамда ахборот-ресурс марказлари фаолиятини янада ривожлантириш, бу орқали мазкур соҳанинг жаҳон талаблари даражасида тараққий этишига хизмат қилишига эътибор қаратилган. Муҳокамалар да-

вомида депутатлар бу жиҳатларга эътибор қаратди. Таъкидлаш керакки, мазкур қонун лойиҳасини фракция концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлаган эди. Лойиҳани такомиллаштириш юзасидан ўз таклифларини ёзма равишда масъул кўмитага топширган. Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида бу таклифларнинг аксарияти ҳисобга олинди, лойиҳа анча маромига етказилган. Бироқ фракция аъзолари айрим принципал масалалар юзасидан яна бир бор ўз муносабатларини билдиришди.

(Давоми 2-бетда.)

Эътироф

Ўзбекистон эришган ютуқлар бежиз эмас. Ҳукумат прагматик тарзда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир яқин истиқболга мўъаллаған дастурлар ва режаларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Узоқни кўзлаб иш юритадиган Ўзбекистон Президентининг кўп йиллик машаққатли меҳнати бугун ўз самарасини бермоқда. Ҳа, мамлакатда кейинги 20 йил давомида олиб борилган сиёсатни, муҳтасар қилиб, «узоқни кўзлаган, деяр таърифлаш жоиз. Халқ фаровонлигига қаратилган туб ўзгаришларни эмас, балки тез қўлга киритилмайдиган кичик натижаларга интилиш сиёсатларини кўп қолғатади. Ўзбекистон эса тараққиёт йўлида собитқодам. Дунёнинг аксарият мамлакатлари ўз молиявий ресурслари билан уйнаган бир пайтда, Ўзбекистон бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтди. Мана, яқинда молия ислоҳоти ҳамда касодга учраган компанияларни реабилитация қилиш бўйича қарор қабул қилинди. Бу ҳам мақбул ёндашув, дадил ва ижобий қадамдир».

Р.АБРАМ,
«Ўзбекистон — Италия»
Ассоциацияси раиси.

Янгиликлар

Ширинтойлар танлови бошланди

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва турли халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ағъанавий «Болажонлар — ширинтойлар» мода фестивалига аризалар қабул қилина бошланди.

Болаларнинг дизайнерлик қобилиятини шакллантириш, улар яратадиган модалар мактаби фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ёш дизайнер ва моделларни кашф этиш, болалар либосларини яратувчи ва ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги алоқаларни яхшилаш мақсадида ташкил этиладиган мазкур танлов бу йил 3 босқичда бўлиб ўтади. Танлов шартларига кўра, маълум номинациялар бўйича либос тўпламларининг эскизлари саралаб олинади. Вилёяларда истиқомат қилувчи кичик дизайнерлар fashion_uz@mail.ru электрон манзили орқали анкета тўлдириб, эскизларни юборишлари мумкин.

Қосимжонов ва Ананд Тошкентда учрашади

Шу йил 27 март куни пойтахтимизда шахмат бўйича собиқ жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов билан амалдаги жаҳон чемпиони Вишванатан Ананд (Ҳиндистон) ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз шахмат федерацияси ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлида ташкил этилган мазкур тадбир юртимизда шахматни янада оммалаштириш, болаларни спортга, хусусан, шахматга қизиқтириш кучайтириш, ёш шахматчилар маҳорати ва тажрибасини ошириш мақсадида ўтказилмоқда.

Танқиддан сўнг...

«Ўзибўларчилик қачонгача давом этади?»

⇒ 2



Ҳамкорликдаги лойиҳа

партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилмоқда

Аввал хабар берганимиздек, Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида «Микромолиявий хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтириш орқали янги иш ўринлари яратиш имкониятлари» мавзусида иқтисодий форум бўлиб ўтди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Марказий Банк ҳамкорлиқда ташкил этган анжуман доирасида бўш иш ўринлари ярмаркаси, партиямиз электорати вакиллари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳамда тижорат банкларининг микромолиявий хизматлар кўрсатиш бўйича кўргазмаси ташкил этилди.

⇒ 2

Анжуман

Марказий Осиёдаги сув ресурсларидан фойдаланиш муаммолари

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Экологик ҳаракати, ЎзРФА Сув муаммолари институти, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида «Минтақадаги сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммолари» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.



Ҳар қандай давлат тараққиёти уч асосий тамойилга бевоқиф ва билвосита боғлиқдир, — деди Ўзбекистон Экологик Ҳаракати Марказий Кенгаши ижроия кўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Борий Алихонов. — Булар иқтисодий ўсиш, ижтимоий ҳимоя ва экологик хавфсизликдир. Иқтисодий ўсишсиз ижтимоий ҳимояга эришиш қийин албатта. Лекин экологик хавфсизлик таъминланмаган ҳар қандай давлатда иқтисодий жиҳатдан ўсиш ҳам, кучли ижтимоий ҳимоя ҳам охири-оқибат таназзулга учраши мумкин. Ана шунинг учун ҳам мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ ушбу тамойилларга асосланган тараққиёт йўлидан борилаётганини бугун алоҳида эътироф этмоқ лозим.

⇒ 3

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2011 YIL 1 MARTDAN BOшлаB ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ							
1 Австралия доллари	1691,87	1 Миср фунти	283,34	1 СДР	2616,79	10 Жанубий Корея вони	14,79
1 Англия фунт стерлинги	2681,69	1 Канада доллари	1704,53	1 Туркия лираси	1043,83	1 Япония иенаси	204,16
1 БАА дирҳами	453,94	1 Хитой юани	253,47	1 Швейцария франки	1797,52	1 Россия рубли	57,61
1 АҚШ доллари	1667,20	1 Малайзия ринггити	546,62	1 Евро	2284,20	1 Украина гривнаси	210,19

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



ЎзХДП: электорат манфаати

Ҳамкорликдаги лойиҳа

партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилмоқда



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаз қилиш вазирлиги билан келишувга асосан, Самарқанд вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаз қилиш бош бошқармаси ҳамкорликда ташкил этилган ярмаркада вилоятдаги мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида маълумот берилди. Ярмаркада мутахассис-ҳодимларга эҳтиёжи бўлган кўплаб иш берувчилар иштирок этди.

Жорий йилнинг икки ойи мобайнида ҳамкор ташкилотлар билан бирга, вилоят бўйича жами 6 маротаба меҳнат ярмаркаси ташкил этилди, — дейди Самарқанд вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаз қилиш бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Ботир Тожев. — Уларда 684 та корхона ва ташкилот 5 мингдан ортиқ бўш иш ўринларини таклиф этди. Бундан ташқари, иш сўраб мурожаат қилган 4120 нафар, шундан 2720 нафар аёллар, 3250 нафар ёшлар рўйхатга олинган. Албатта, бунинг учун, аввало, янги иш ўринлари яратилиши муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда вилоятимизда жами 18614 та бўш иш жойлари мавжуд. Ўзбекистон ХДП билан ҳамкорликда ўтказилаётган бугунги меҳнат ярмаркасида ҳам аҳоли, хусусан, коллеж битирувчилари вилоятимиздаги мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида етарли маълумот олиш ва ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашиш имкониятига эга бўлди.

Ярмаркада нафақат Оқдарё тумани, балки вилоят бўйича ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик субъектлари мавжуд бўш иш ўринларини ҳавола қилди. Хусусан, Оқдарё туманидан 48 та

корхона ва ташкилот 2000 га яқин, Самарқанд туманидан 15 та саноат корхонаси 458 та, Самарқанд шаҳридан 36 та йирик ва кичик саноат корхоналари 1248 та, Пайарик туманидан 9 та ишлаб чиқариш субъекти 612 та, Иштихон туманидан 14 та корхона ва ташкилот 530 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. 1200 нафарга яқин фуқарога тегишли йўналиш берилди. Жумладан, 824 нафар коллеж битирувчиси рўйхатга олиниб, ишга жойлашиш бўйича шартнома имзоланди. 128 нафар фуқаро эса барқарор иш жойлари билан таъминланди.

Ҳар бир йигит-қиз ўз соҳаси бўйича ишга жойлашиб, севган касби билан шуғулланишни истади, — дейди Дилшод Ашуров. — Мен ҳам ёшлигимдан ҳисобчи бўлишни орзу қилардим. Шу боис, Оқдарё политехника касб-хунар коллежининг бухгалтерия-ҳисобчи йўналишида ўқишни давом эттирайман. Ўтказилаётган форум мен учун қимматли бўлди. Меҳнат ярмаркасида ўз қизиқиш ва имкониятимдан келиб чиқиб, таклиф этилаётган бўш иш ўринларини кўздан кечирдим. Янгиқурган пахта заводиди ҳисобчи бўлиб ишлаш учун шартнома туздим. Ўз соҳам бўйича ишга жойлашганимдан ва болалиқдаги орзуми ушалганидан хурсандим.

Тиббиёт соҳасида таҳсил олганим учун бугун шу йўналишдаги бўш иш ўринлари билан қизиқдим, — дейди Махлиб Умарова. — Бунда нафақат туман, балки вилоятимиз микросидаги тиббиёт муассасалари ҳам иштирок этаётгани мени қувонтирди. Чунки ўз истакларимиздан келиб чиқиб, танлаш имконияти яратилган. Мен ҳам тенг-

дошларим сингари доимий иш ўрнига эга бўлганимдан хурсандим. Туман тиббиёт бирлашмасининг юқумли касалликлар бўлимига ҳамшира сифатида ишга жойлашадиган бўлдим.

— Менимча, болалиғида автомобильга қизиқмаган йигит кам бўлса керак, — дейди Анвар Хуббимов. — Мен ҳам техникага қизиқшим боис, шу йўналишда меҳнат қилишни истардим. Бугунги ярмаркада айнан транспорт соҳасига айнан транспорт соҳасига иxtисослашган корхона ва ташкилотлар фаолияти ва улар томонидан таклиф этилаётган бўш иш ўринлари билан яқиндан танишдим. Менга транспорт хизмати кўрсатиш билан шуғулланувчи «Элегант Стиль» масъулияти чекланган жамият таклиф этаётган иш маъқул бўлди. Ўзимга мандур, яна даромадди иш топганимдан хурсандим.

— Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига ўз меҳнати билан ҳисса қўшишни истаиман, — дейди Бекзод Абдиев. — Меҳнат ярмаркаси орзумини амалга оширишда катта аҳамиятга эга бўлди. Қурилиш хизматлари кўрсатиш билан шуғулланувчи «Исомил ҳамкор сервис» хусусий корхонасига ишга жойлашадиган бўлдим.

Ярмаркада иштирок этаётган кўплаб ёшлар, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчилари, иш берувчилар билан суҳбатлашдик. Аксарияти ўз касби, йўналиши бўйича иш топгани, вакант жойларни тўлдирishi имкони яратилганидан хурсандлигини айтди.

Меҳнат ярмаркаси тижорат банклари билан ҳамкорликдаги хизматлари бўйича кўргазмаси, корхоналар ҳамда касаначилар, хунарамандлар ишлаб чиқараёт-

ган маҳсулотлар кўргазмаси билан бир вақтда ташкил этилган мустақил равишда ўз ишини бошламоқчи бўлган йигит-қизлар, фаолиятини кенгайтириш истагида юрган оилавий тадбиркорлар, касаначилар учун айна мудоаа бўлди.

Микромолиявий хизматлар тизимини ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этишда банклар хизматларидан фойдаланиш муҳим ўрин тутди. Шунингдек, мустақил равишда ишлаб чиқариш ёки касаначилик билан шуғулланиш учун зарур бўлган дастлабки капитални шакллантиришда ҳам банклар кўмагига таянишни табиий.

— Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича тижорат банклари томонидан 2010 йил давомида барча маблағлар ҳисобидан жами 193,6 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди, — дейди Марказий банкнинг Самарқанд вилоят бош бошқармаси кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Лутфулла Зияев. — Натижда вилоятда 29338 та янги иш ўрни ташкил этилди. 2011 йилнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилиниши бу борадаги ишларни янада кучайтириш ва ажратилаётган кредитлар миқдорини кескин оширишни талаб этмоқда. Хусусан, 2011 йил давомида 251,7 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратиш режага киритилган. Январ ойи якуни бўйича 18 млрд. 728 млн. сўм миқдорда кредит ажратилиб, 856 та янги иш ўрни яратилди.

Форум доирасидаги кўргазмада вилоятимиздаги 17 та тижорат банки ва уларнинг 76 та шох-босчаси иштирок этиб, ўз хиз-

мат турлари билан аҳолини таништирди, кредитлар олиш қоидалари, ҳужжатларни расмийлаштириш соҳасида маслаҳатлар берди.

Ўз фаолиятини йўлга қўйган ишлаб чиқарувчилар ва хунарамандлар учун мазкур форум янги келишувлар тузиш, маҳсулот ва хизмат турларини янада кенгайтириш учун кредит йўналишлари билан танишиш, банклар билан алоқаларни мустақамлаш борасида қўшимча имкониятлар яратди.

— Юртимизда тадбиркорлик фаолияти учун барча шароит яратилган, — дейди «Шерали Бахриев» хусусий корхонаси раҳбари Алишер Бахриев. — Бизнинг корхонамиз гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаради. 2010 йилда «Микрокредитбанк» дан 10 миллион сўм кредит олиб, фаолиятимизни йўлга қўйган эдик. Цехимизда тўрт киши ишлаётди. Айни пайтда уни кенгайтириш ҳаракатида-миз. Форум биз учун янги ҳамкорлар топиш, банк хизматлари ҳақида қўшимча маълумотлар олиш, сармоюни самарали сарфлаш ҳақидаги билимимизни бойитиш имконини берди. Энди цехимиз фаолиятини кенгайтириб, иш ўринлари сонини 10 тага етказишга ҳаракат қиламиз.

— 2010 йили банкдан 6 миллион сўм кредит олиб иш бошлаган эдик, — дейди «Оқдарё ширин нон» хусусий корхонаси раҳбар Фуқрат Суванов. — Олган кредитимизни муддатидан олдин қайтардик. Хусусий корхонамиз нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Бугунги кунда унинг фаолиятини янада кенгайтириш учун яна кредит олишга ҳужжат топширдик. Бу қўшимча 3 та янги иш ўрни яратишга имкон беради. Форумда ўз маҳсулотларимизни намойиш қилаётган бўлган. Қувонарлик, бир неча қурилиш ташкилотлари билан нон етказиб бериш бўйича шартнома туздик. Бу форум маҳсулотларимизни намойиш қилиш орқали янги келишувларга эришишда яхши шароит яратиб берди.

Форумда, шунингдек, «Сино» ОАЖ, «Ал-Бухорий духоба» МЧЖ, «Дахбет сут маҳсулотлари» ХК, «Марвен жуйс» КК каби 120 дан ортиқ корхона ишлаб чиқарган маҳсулот ва хизмат турлари ҳамда бўш иш ўринлари билан қатнашди.

Иштирокчилар бир неча йўналишчи қамраб олган форум барча учун жуда фойдали бўлганини таъкидлашди. Энг муҳими, мазкур форум ЎзХДП Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Алишер РАВШАНОВ

Танқиддан сўнг...

«Ўзибўларчилик қачонгача давом этади?»

Газетамизнинг жорий йил 17 февраль сонидан ушбу сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда Шуманой туман партия кенгаши фаолияти талабга жавоб бермаслиги, Жамоатчилик қабулхонаси иши қониқарсиз аҳволдалиги, бошланғич ташкилотларга эътибор сустигли танқид қилинган эди. Мақола юзасидан таҳририятга жавоб келди.

«Танқидий мақолада кўтарилган масалалар республика партия кенгашида батафсил ўрганилди. Таъкидлаш зарурки, мақолада ҳақиқатан ҳам долзарб масалаларга эътибор қаратилган. Шуманой туман партия кенгашида юзага келган аҳвол тўғри танқид қилинган. Шунингдек, «Фаол аёллар» ва «Истикбол» ёшлар қанотларининг 2011 йилга мўлжалланган иш режалари муҳокама этилди. Партиямиз Сайловолди дастури ва тумандаги ўзига хос шарт-шароитларни ҳисобга олиб, электорат ижтимоий манфаатларидан келиб чиқиб, халқ депутатлари туман Кенгаши ва унинг доимий комиссиялари муҳокама қилиш билан боғлиқ таклифлар маъқулланди.

Мақолада кўтарилган масалалар, шунингдек, барча туман партия кенгашларида муҳокама этилди ҳамда кўрсатилган самчаларини бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Қ.ҚУРБАНБОВ, ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси вазифасини бажарувчи.



ЎзХДП депутатларининг нуқтаи назари

белгилаб олинди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Масалан, Миллий кутубхона тушунчасига аниқликлар киритиш, барча турдаги ахборот-кутубхоналардан фойдаланиш масалаларини аниқ белгилаш каби қатор масалалар юзасидан таклифлар билдирилди. Шу билан бирга, фракция аъзоларининг фикрлари ёзма равишда ҳам ишчи гуруҳига тақдим этилаётган бўлди. Йиғилишда, шунингдек, «Геология-қидирув ишларини ташкил қилиш ва олиб бориш тизими такомиллаштириши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳуж-

жатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди. Мазкур қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2010 йил 27 августдаги «Геология-қидирув ишларини ташкил қилиш ва олиб бориш тизими самаралорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган ва Қонунчилик палатасига киритилган. Қўрилган барча масалалар бўйича фракция ўз позициясини белгилаб олди. Асли КАМОЛ

Фавқулодда вазиятлар

вазирлиги 1996 йил 4 мартда Президентимиз Фармонига асосан ташкил этилган эди

Ушбу тузилманинг бош мақсади — мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудларини табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаз қилиш, уларнинг олдини олиш ва содир бўлганда оқибатларини бартараф этиш, аҳоли ва ҳудудлар муҳофазаси бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда шу асосда фавқулодда вазиятлар чоғида давлат тизимларининг ҳамкорлигидаги ҳаракатларини мувофиқлаштириб бориш, аҳолига фавқулодда вазиятлар ҳақида кенг тушунчалар бериш, уларни фавқулодда вазиятлар чоғида тўғри ҳаракатланишга ўргатиш, бу борадаги маълумотларни кенг қўламда тарғиб-ташвиқ этишдан иборат.

1 март — Халқаро фуқаро муҳофазаси кун ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил этилганини муносабати билан «Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаз қилиш — устувор вазифа» мавзусида брифинг ўтказилди. Унда ўтган вақт мобайнида вазирлик томонидан аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаз қилиш борасида амалга оширилган ишлар хусусида оммавий ахборот во-

ситалари вакилларига маълумотлар берилди. Таъкидлаш кераки, республикамиз аҳолисини ва ҳудудларини табиий ҳамда техноген хусусиятлари фавқулодда вазиятлардан муҳофаз қилиш соҳасида ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, фавқулодда вазиятлар рўй бериши ва ривожланишининг олдини олиш, фавқулодда вазиятлар келтирадиган талафотларни камайтириш ва бартараф этиш-

ни ҳамда шу мақсадда давлат сиёсатини амалга оширувчи Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини белгилаб берувчи бир қатор қонунлар, қарорлар қабул қилинди. Бугун вазирлик тизимида Фуқаро муҳофазаси институти, ҳудудий Фавқулодда вазиятлар бошқармалари, Аҳоли ва раҳбарлар таркибининг тайёрлаш марказлари фаолият юритмоқда.

Равшан ШОДИЕВ

Хорижда

Ҳароратни бир даражага туширади



Швейцариялик олимлар глобал иссиқлашнинг янги усулини яратди.

Унга кўра, ўсимлик барглари селекция йўли билан ялтироқ тусга киритилди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ялтироқ барглар қуёш нурларини қайтариш хусусиятига эга. Хабарларга қараганда, янги усул сайёраимиз ҳароратини бир даражага-ча тушириш имконини беради. Бироқ ўсимликларни бу тарзда мослаштириш ҳошидорликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Музейга саёҳат қиламиз



«Google» компаниясининг онлайн-лоийҳаси дунёнинг энг нуфузли ўн етти музейига виртуал саёҳат уюштиришга мўлжалланган.

Мазкур лойиҳа сайтдан музейларда ижодий ишлари намойишга қўйилган расомлар ва топилмалар ҳақида маълумот олинади. Айни пайтда санъат ихлосмандлари Нью-Йоркдаги замонавий санъат музейи, Мадрид санъат маркази, Лондон Миллий галереяси, Эрмитаж ва Амстердамдаги Ван Гог музейи каби дунёга машҳур музейларга виртуал саёҳат қилиши мумкин.



«Ниссан» учун махсус радар

Япониянинг «Ниссан» автомобилсозлик компаниясида ҳайдовчи беихтиёр тезликни оширса, уни огоҳлантирувчи махсус қурилма яратилди.

Янги ускуна ҳайдовчига тезлик ошаётгани ҳақида дарҳол хабар қилади ва шу йўл билан ҳаттирнинг олдини олишга ёрдам беради. Экспертларнинг айтишича, мазкур қурилма ўн фоиз ёқилги тежашга имкон туғдиради.

Қурбонлар сони ортмоқда

Янги Зеландиянинг Крайстчерч шаҳрида юз берган зилзила оқибатида халқ бўлганлар сони бир юз эллик нафарга етди, яна икки юздан зиёд киши бедарак йўқолди.



Мамлакат бош вазири Жон Кининг айтишича, қурбонлар сони янада ортиши мумкин. Табиий офат туфайли юзлаб турар-жой бинолари вайронага айланган, электр ва алоқа тармоқлари ишдан чиққан. Ер силқиниши мамлакат бюджетига ўн икки миллиард АҚШ доллари миқдорда зарар етказган.



Суяқлик туфайли заҳарланди

Хитой Тайпейнинг «Wintek» iPhone мобил телефони ишлаб чиқарувчи компаниясининг 137 ходими заҳарлини оқибатида шифохонага ётқизилди.

Маълумотларга қараганда, фабрика ходимлари экран коммуникаторларини тозалашда заҳарли суяқлик к-гексанни қўллаган. Бу токсин модда нафас олиш орқали ўпкага ўтиб, ишчилар саломатлигига зиён етказган. Бахтсиз ҳодисадан сўнг фабрикада бу моддани қўллаш тўхтатилди.

Анжуман

Марказий Осиёдаги сув ресурсларидан фойдаланиш муаммолари

(Давоми. Боши 1-бетда.)



Орол денгизи — сайёрамиздаги энг қадимий ёпиқ сув ҳавзаларидан бири ва у яқиндагина йириклиги жиҳатидан дунёда тўртинчи ўринни эгаллаб турганди, бой табиий захиралари билан машҳур эди. Оролбўйи минтақаси эса биологик бой табиий мухит ҳисобланади. 1960 йилгача Орол денгизи майдони 68,9 минг кв. км га тенг бўлиб, сув ҳажми 1038 куб км ни ташкил этарди. Орол ва Оролбўйи сув ҳавзаларида 38 турдаги балиқ бўлиб, йилга 30 минг тоннагача балиқ овланган. Бугун унинг ҳажми 13, майдони 7 баробарга қисқарди. Сув сатҳи 26 метрга пасайди, сув чегараси юзлаб километрга чекинди. Сувнинг шўрланиши, яъни минераллашуви денгизнинг қарий қисмида ҳар литрга 120 граммга, шарқий қисмида эса 280 граммгача етди.

Тадбирда сўзга чиққан Дилором Файзиёва, Воҳид Аҳмаджонов ва Мурад Ёқубов ҳам ушбу долзарб мавзуга оид кишини ўйга толдирадиган далил — маълумотларни келтиришди. Дарҳақиқат, Орол муаммоси бугунги кунда минтақанинг глобал муаммоси бўлиб турибди. Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 48- ва 50-сессиялари ҳамда халқаро ҳамжамиятнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича бўлиб ўтган олий даражадаги ялпи мажлисида ҳам жаҳон ҳамжамиятини миқёси жиҳатидан глобал характерга эга Орол муаммосини ечиш учун биргаликда ҳаракат қилишга чақирганди. 2010 йилнинг апрель ойида БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун мамлакатимизга ташриф буюрди. Ушбу ташриф чоғида БМТ Бош қотиби Оролбўйида бўлиб, эко-

логик бўҳрон билан бевосита танишди. Бу Орол муаммосига жаҳон ҳамжамияти эътиборини янада кучайтиришда алоҳида аҳамият касб этадиган воқеа бўлди. Экологик ҳалокат оқибатлари Орол денгизи ҳавзасида яшовчи миллионлаб одамларнинг турмуш тарзига салбий таъсир ўтказди. Орол фожияси иқлим континенталлигини кескинлаштирди, бунинг натижасида ёз кунлари қурқоқчилик кунгайди, қишнинг совуқ кунлари эса аксинча узайди. Оролбўйида ҳарорат 40С дан юқориқроқ бўладиган кунлар сони кўпайди. Мутахассислар башоратида таянадиган бўлсак, 2035-2050 йилларга бориб минтақада ҳаво ҳарорати яна 1,5-3С га ошиши мумкин. Айни кунга келиб денгизнинг қуриб қолган қисмида 5,0 миллион гектар майдонда

янги «Оролқум» сархоси пайдо бўлди. Вақти-вақти билан бу ерда бўҳронлар кўтарилиб, миллионлаб тонна туз, чанг ва қумни юзлаб километрдаги ҳудудларга сочмоқда. Туз шлейфлари 400 км дан ошади, қумли ва тузли бўҳронларнинг таъсир доираси 300 км гача етмоқда. Бу ердан йилга 100 миллион тоннагача қум атмосферага кўтарилади ва юзлаб км масофага тарқалмоқда. Бугун шунга асосан таъкидлашга мажбурмиз, Оролбўйи ўсимлик ва ҳайвонот дунёси геофондининг ярмидан кўпроги йўқ бўлиб кетди. Айни пайтда Жанубий Оролбўйида кўплаб кичик қўллар сазлашди ёки қуриб қолди. Сув танқислиги туфайли дарё бўйидаги ўрмонлар, дельтадаги юзлаб қўллар қуриб қолди. Ўзбекистон истиқлолга эришган, Орол глобал экологик фожиясини тўхтатиш ва юмшатиш йўлида кенг қўламдаги ишлар амалга оширилди. Юртбошимиз ташаббуси билан Оролбўйи геофондини муҳофаза қилиш хайрия жамоат фонди ташкил этилди. Минтақада экологик мувозанатнинг бузилиши оқибатларини юмшатиш мақсадида Амударё дельтасида кичик сув ҳавзаларини яратиш, тўқайзорларни сақлаб қолиш, Оролбўйининг олис аҳоли яшаш жойларида қуёш энергиясидан фойдаланишга қаратилган бир қатор халқаро ва давлатлараро лойиҳалар амалга оширилмоқда. Дарҳақиқат, сўнгги 15-20 йилда минтақада кўрсатилган халқаро ёрдам экологик фожия оқибатларини бир қадар юмшатишга ёрдам берди. Аммо муаммони тўлалигича ечишнинг имкони бўлмапти.

Ўзбекистон томони Орол бўйидаги фожия собиқ шўро тузумининг ўтган асрнинг 70-80-йилларида йирик гидростанциялар қуриш йўли билан Марказий Осиёдаги Амударё ва Сирдарё табиий оқимини бошқариш бўйича олиб борган қалтабин сиёсати оқибатида келиб чиққанига жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратиб келмоқда. Шу аснода охириги йилларда минтақа дарёларининг юқори оқимида жойлашган давлатларнинг қабул қилинган халқаро меъёрларни бузган ҳолда трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишга бўлган интилишлари ушбу дарёларнинг қуйи қисмида жойлашган давлатларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Амударё ва Сирдарё юқори оқимида гидротехник иншоотларнинг қурилиши минтақада шусиз ҳам мураккаб бўлиб турган вазиятнинг кескинлашуви сабаб бўлади ҳамда кўплаб ижтимоий-экологик ва гуманитар фожияларни келтириб чиқаради. Жумладан, Рихтер шкаласи бўйича фаоллиги 9 баллга етadиган сейсмик хавфли жойлар категориясига кирувчи Илок-Вахш ёрмиги ҳудудида Роғун ГЭСининг қурилиши, сейсмик фаоллиқнинг қоқ марказида йирик тўғоннинг бунёд этилиши янги ер силкинишларини келтириб чиқариши мумкин. Тўғон бузилган тақдирда сув оқими ГЭСнинг буғун каскадини (6 гидрорезел) вайрон этади, 1,3-1,5 миллион гектар майдон, жами 5 миллион аҳолида аҳоли истиқомат қиладиган Тожикистон, Афғонистон, Ўзбекистон, Туркمانистон ҳудудидagi 700 дан ортиқ аҳоли турар жойлари сув остида қолади. Ушбу улкан ГЭСни лойиҳалаш-

тириш, МДХ ҳудудидаги бошқа йирик гидротехник иншоотлардаги сингари, экологик экспертиза ўтказилмасдан, атроф-муҳитга таъсирини баҳолашни кўзда тутмайдиган андозалар асосида амалга оширилган. Гидроузел қурилиши ўтган асрнинг 80- йиллари охири 90-йилларнинг бошида лойиҳа ечимларидан четлашган ҳолда олиб берилган. 1992 йилда қурилиш тўхтатилганидан сўнг қурилиш туннеллари ва бошқа иншоотлар кучли сел оқимлари туфайли вайрон этилганди. Қурилишни давом эттириш ҳақида қарор қабул қилинган пайтда тўғоннинг кўплаб конструктив қисмлари яроқсиз ҳолга келиб қолганди. Сув ҳавзасининг лойиҳавий қувватга (13 миллиард кубометр) эришилишига қадар тўлдиришга 7-8 йил кетади, Роғун сув ҳавзасининг энергетик иш ўтиши вегетацион даврда сув танқислигининг бугунги шарт-шароитларга нисбатан 22,2 фоизга, алоҳида қурқоқчил йилларда эса икки баробарга ошишига олиб келади. Қурқоқчилик туфайли қишлоқ ҳўжалиги истеъмолдан чиқарилган суғориладиган ерларда туз таркиби ошади, бу эса минтақада шусиз ҳам нобоп экологик-мелиоратив вазиятни янада кескинлаштиради. Юқоридаги вазиятлардан келиб чиққан ҳолда юртимизда экологик ҳаракат фаолият бошлаши айти мумкин бўлди. Экоҳаракат ўз атрофида табиий муҳитни ва инсон саломатлигини асраш йўналишида фаолият юритаётган 100 дан ортиқ нодавлат ногажорат ташкилотларини бирлаштирди. Олдига қўяётган масалаларни жиждий ва долзарблиги ҳисобга олинган ҳолда жаҳон таърихида илк бор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчи-

лик палатасида 15 та депутатлик ўрни экологик ҳаракат учун ажратилди. Ҳозирги кунда минтақада экологик барқарорлиқни сақлаб қолиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар асосан, Ўзбекистон ҳис-сасига тўғри келаяпти. Айрим қўшни давлатлар бу борада бизга елкадош бўлиш ўрнига вазиятни янада чигаллаштираётгани жаҳон ҳамжамиятида ҳам ҳақли эътирозларга сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон экологик ҳаракати мамлакатимиз ҳукуматининг бу борадаги позициясини қўллаб-қувватлаб, Жаҳон банки масъул раҳбарларига Роғун ГЭСини қайта иқтисодий ва экологик жиҳатдан экспертизадан ўтказиш лозимлигини билдирди. Зеро, келажак авлодга нафақат қудратли, балки экологик барқарор давлатни қолдиришимиз керак. Президентимиз БМТ минбаридан Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда атроф-мухит муҳофазаси муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Қайд этилганидек, Орол инқирозининг атроф-муҳитга, энг муҳими, бу ерда яшаётган миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайтириш бугунги кундаги энг муҳим вазифа ҳисобланади. Юзага келган вазиятни яхшилаш учун комплекс чора-тадбирлар қўриш, минтақа давлатлари томонидан Орол денгизи ҳавзасидаги сув ресурсларини бу ерда жойлашган барча мамлакатлар манфаатлари ва экологик талабларни ҳисобга олиб, ўзаро келишган ҳолда бошқаришни ташкил этиш зарур. Бу борада шун қабил семинар-тренинглари бутун республика миқёсида ўтказиш айти мумкин бўлади.

Темур АЪЗАМ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Иқтисодиёт ва ислоҳот




Бошланғич сармояни шакллантириш — молиявий барқарорлик омили

«Агробанк» ОАТБ Навоий вилоят бошқармаси ўтган 2010 йилда янги кўрсаткичларга эришиб, асосий эътиборни — банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, ликвидлигини оптимал даражада сақлаш, банк таваккалчилигини оқилонга (бозор муносабатлари қонуниятлари асосида) бошқариш ҳамда ўз олдига қўйган стратегик йўналишларни изчил амалга оширишга қаратмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, ўз ресурслар базаси, шунингдек, корпоратив акциялар билан операциялар салмоғини ўстириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, халқаро фаолиятни кучайтириш, банк операциялари ва хизматларининг янги турларини жорий этиш, банк фаолияти ва янги имконият қирраларини намойён қилиш ҳамда маркетинг нуктаи назаридан таҳлил этиш йўлга қўйилди. Бошқарманинг саккизта туман филиали ва 12 та минчи банки вилоятдаги қишлоқ ҳўжалигига иқтисослашган субъектлар ҳамда турли корхона ва муассасалар, бюджет ташкилотлари, кичик бизнес ҳамда бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларга самарали хизмат кўрсатиб келмоқда. Бугун банк миқозлари сони анча кўпайди. Шу йил 1 январь ҳолатига ўтган тўққиз мингдан ошди. Кўтан йили вилоятнинг галла етиштириш учун фермерларга беш миллиард сўм кредит ажратилди. Бошқарма ва унинг филиаллари томонидан қишлоқ ҳўжалиги ва унга хизмат кўрсатувчи корхоналарга таъна ҳосилини етиштириш учун бунак тарихасида қарийб 16 миллиард сўм имтиёзли кредит берилди. Шунингдек, 2010 йилда қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига техника воситалари сотиб олиш учун салкам етти миллиард сўм банк кредитлари ажратилди. Бугун вилоят бўйича жами 1229 та фермер ҳўжалиқларига бошқарма томонидан банк хизматлари кўрсатилмоқда. Масалан, ўтган йили фермерларга 500 млн. сўмга ўн дона «Белорус-Х-80» трактори, 260 млн. сўмга олти дона «БТ-150» занжирли трактори, 620 млн. сўмга 16 дона МТЗ-80 русумли, 450 млн. сўмга 15 та ТТЗ-80.11 русумли трактор олиб берилди. Бошқарма томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш механизмининг янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадларига бошланғич сармояни шакллантиришга кредитлар ажратиб, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бериш-

га эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўз навбатида аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, кам таъминланган оилаларнинг моддий аҳолини муостахкамлашга хизмат қилаётди. Айниқас, қишлоқларда яшаётган аҳолини иш билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлаётди. Масалан, Хатирчи туманидаги «Хатирчи нон» МЧЖга 100 млн. сўм ва Кармана туманидаги «ODISSEV APPOLO» шўба корхонасига нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 50 млн. сўм миқдорида маблағ ажратилганди. Натижада 25 та янги иш ўрни яратилди. Маълумки, Навоий вилоятда пахтачилик ва галлачилик қишлоқ ҳўжалигининг асосий тармоқлари ҳисобланади. Бироқ шу нарса қузатилмаптики, бу ерда кейинги йилларда чорвачилик, балиқчилик, паррандачилик, асалари-чилик ҳам ривожланиб борапти. Маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайгач, табиийки, уни қайта ишлашга ҳам эҳтиёж сезилади. Масалан чорвачиликни олайлик. Ҳозирги пайтда фермер ҳўжалиқлари банк кредитлари ёрдамида четдан кўплаб зотли қорамоллар олиб келиб парваришлamoқда ва кўпайтирмоқда. Эндиликда чорва маҳсулотларини қайта ишлаш зарурати туғилмоқда. Яъни қишлоқларнинг ўзида кичик корхоналар қурилмоқда. Кармана туманидаги «Ёшлик ғурури» фермер ҳўжалиги бунга ёрқин мисол бўла олади. Яқинда бу ерда сутни қайта ишлаш цехи қурилди. Бунда банкдан олинган 50 млн. сўм кредит қўл келди. Хатирчи туманидаги «Истиклолнинг 10 йиллиги» фермер ҳўжалигига ҳам ана шундай корхона ташкил қилинди. Унга банк томонидан 65 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилди. Ҳозир янги икки корхонада 8 турдаги сўт маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Бир кеча-кундузда 1,7 тонна сўт қайта ишлаш билан таъминланди. Етти кишининг бири — паррандачиликни ривожлантиришга ҳам қатъий эътибор қаратилмоқда. Аҳолининг гўшт маҳсулотлари ва тухумга бўлган эҳтиёжини қондириш бўйича вилоятда силжигаша эришилди. Жумладан, жами миқдори 413 млн. сўм бўлган тўртта лойиҳа амалга оширилди. Йи-



лига 10,9 тонна парранда гўшти ва бир кеча-кундузда 8420 дона тухум етиштиришга мўлжалланган лойиҳаларнинг 313 млн. сўмини «Агробанк» ОАТБ Навоий вилоят бошқармаси молиялаштирди. Натижада 78 та янги иш ўрни яратилди. — Банкдан олинган 100 млн. сўм кредит эвазига паррандачилик мажмуасини бунёд этилди, — дейди Кармана туманидаги «Сунбула Кармана» фермер ҳўжалиги бошлиғи Бахтиёр Фафуров. — Айни пайтда паррандаларимиз сони кўпайиб бормоқда. Кўплаб парҳез гўшти ва тухум етиштириб, халқимиз дастурхонига етказаямиз. Банкдан олинган кредитни ҳам камайтириб бораёмиз. Банкнинг Навоий шаҳар филиали томонидан «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бошқармасига эса паррандачиликни ривожлантириш учун 200 млн. сўм кредит берилди. Вилоятдаги мавжуд сув ҳавзаларидан оқилонга фойдаланиш, аҳолини арзон балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш йўлида ҳам қатор ибратли ишлар бажарилди. Йилга 60 тонна балиқ етиштиришга мўлжалланган, жами қиймати 120 миллион сўмлик лойиҳанинг 50 миллион сўми банк томонидан молиялаштирилди. Қизилтепа туманидаги «Илҳомжон келажак» фермер ҳўжалигига балиқчиликни ривожлантириш учун 50 млн. сўм кредит берилганди. Шу боис ҳўжалик фаолияти ривожланди. 10 та янги иш ўрни яратилди. Кармана туманида эса яқка тадбиркор Мавжуда Қўзиёва асалари-чиликни ривожлантириш учун банк-

дан 10 млн. сўм кредит олди. Аҳолини қиш мавсумида ҳам арзон қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида умумий миқдори 600 млн. сўмлик лойиҳа тайёрланганди. Банк томонидан унинг 242,5 млн. сўми лойиҳалаштирилди. 5,7 гектарлик иссиқхонада 221 тонна сабзавот маҳсулотлари ва 1,2 тонна цитрус мевалар етиштирилди. Натижада 52 та янги иш ўрни яратилди. Кармана туманидаги «Кармана пахтакор» фермер ҳўжалигига 100 млн. сўм, Хатирчи туманидаги «Абдулвосит юлдузи» МЧЖга 60 млн. сўм ва Навбахор туманидаги «Аскарбек Анвар» хусусий корхонасига 32,5 млн. сўм кредит берилганлиги натижасида вилоятда кўплаб иссиқхоналар бунёд этилди. Шунингдек, қишлоқ жойларда янги савдо дўконлари ва супермаркетлар қуришга ва таъмирлашга 2010 йил давомида 10 дан ортиқ миқозларга кредитлар ажратилди ва янги замонавий савдо дўконлари ишга туширилди. Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 30 дан ортиқ ёш оилаларга 250 млн. сўм миқдорида истеъмол кредитлари ажратилди. Жумладан, тадбиркорлик билан шўғулланаётган ёшларга 420 млн. сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди ва 60 дан ортиқ иш ўринлари яратилди. Президентимизнинг шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўтган давр мобайнида

аҳолига туманлардаги бозорлардан наҳд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қорамол сотиб олиши учун банк ўз маблағи ҳисобидан 190 та кам таъминланган оиллага имтиёзли асосларда кредитлар ажратди. **Молиявий кўмак ҳисобига қишлоқ жойларда 109 та оила иш билан таъминланди, моддий аҳоли яхшиланишига эришилди. Тадбиркор 217 нафар хотин-қизга банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратилди. Бунинг ҳисобига жойларда 45 нафар аёл дoмиий иш жойига эга бўлди.** Бошқармада истиқболли инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш бўйича каттагина ишлар қилинди. Ҳукуматимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва рақобатбардош, шунингдек, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган дастури ижроси изчил таъминланмоқда. Халқаро молия институтлари томонидан ажратилаётган кредит линияларига истиқболли инвестициявий лойиҳаларни жалб этиш, тадбиркорларни мавжуд хорижий кредит линиялари билан таништириш, маслаҳат ва консалтинг хизматлари ишлари самарадорлиги учун ҳаракатлар давом эттирилмоқда. **Шоҳадар МИРҲАБИБОВ, Мирбаҳтёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

Банк кўмаги эвазига

корхоналар қаддини тикламоқда

«Тoshkent qog' ozi» МЧЖда республика Марказий банки «Ўзмиллиб» филиали билан биргаликда ташкил этган «Халқаро молиявий-иқтисодий инқирозни бартараф этиш чора-тадбирлари. Банкларнинг банкрот корхоналарни соғломлаштиришдаги роли» мавзусига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда «Ўзмиллиб» томонидан иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги масалалари муҳокама қилинди. Президентимизнинг иқтисодий реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони доирасида «Ўзмиллиб» ночор иқтисодий корхоналарни тиклашда қатор ишларни амалга оширяпти. Хусусан, 44 корхонада ишлаб чиқариш фаолияти қайта тикланиб, яна 19 та корхона янги мулкдорларга сотилди. Иқтисодий ночор корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, уларни модернизациялаш ва зарур айланма сармоя, билан таъминлаш учун Миллий банк 64,1 млрд. сўм миқдоридаги маблағни йўналтирди. Шундан 38,1 млрд. сўми айланма сармояни тўлдириш, 26 млрд. сўми эса ишлаб чиқаришни модернизациялаш учун ажратилди. Ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастури барча корхоналарга тўла қувват билан ишлаш, рақобатбардош маҳсулотлар чиқариш ва 5825 та янги иш ўрни яратишда ёрдам берди. Бугунги кунда янги ташкил этилган 37 та корхона банкнинг «NBU Investment» ва «NBU Invest Group» шўба инвестиция компанияларига топширилган. Улар орасида йирик тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, умумий овқатланиш корхоналари ва бошқалар бор. «Ўзмиллиб» молиявий кўмагида қаддини тиклаётган ушбу корхоналар нафақат ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда, балки бошқа ишлаб чиқариш объектларининг иқтисодий соҳаютига ҳам илҳомий таъсир кўрсатмоқда. **Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

«Ўзстандарт» агентлигига Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастрини тартибга солиш бошқармаси томонидан берилган ер ресурслари ва давлат кадастри ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Спорт

Футбол байрамлари бошланди

«Миллионлар ўйини» ишқибозлари учун футбол баҳори бошланди. Айнан баҳор фаслининг биринчи куни Осиё чемпионлари лигаси ва ОФК кубоги мусобақаларининг дастлабки ўйинлари бўлиб ўтди.



Осиё чемпионлар лигасида узлуксиз қатнашиб келатган Тошкентнинг «Пахтакор» клуби Саудия Арабистонининг «Ал-Наср» жамоасини қабул қилди. Пахтакорчиларнинг иқтидорли футболчилар билан янгилашган таркиби муҳлисларда илқ таассурот қолдирди. Футболчиларимиз икки бор ҳисобда олдинда боришди. Лекин «Пахтакор»нинг эндигина шаклланаётган таркиби ғалабани сақлаб қола олмади. Учрашув дуранг билан якунланди — 2:2.

Осиё футбол конфедерацияси кубогида иштирок этаётган Қаршининг «Насаф» клуби ўз майдонида Ливаннинг «Ал-Ансор» жамоаси билан учрашди. Мезбонларнинг яққол устунлигида ўтган учрашувдан биринчи навбатда стадионни тўлдириб ўти-

ган муҳлислар завқ олишди. Учрашувда «Насаф» футболчилари йирик ҳисобдаги ғалабани нишонлашди — 3:0. Шу мусобақада қатнашаётган Қашқадарё вилоятининг иккинчи жамоаси — «Шўртан» футболчилари Кувайтда «Ал-Қодисия» меҳмони бўлишди. Учрашув бошида «Шўртан» ҳимоячилари йўл қўйган кўпол хато жамоанинг кайфиятига таъсир кўрсатмай қолмади. Шаҳбоз Эркиновнинг мезбонлар дарвозаси томон белгиланган пенальтини аниқ амалга ошира олмади. Шундай нуфузли мусобақада биринчи марта қатнашаётган «Шўртан» футболчиларига тажриба еттишди. Натижада ўтган йили ОФК кубогида муваффақиятли қатнашган «Ал-Қодисия» футболчилари йирик ҳисобда голиб чиқди — 4:0.

Кеча Осиё чемпионлар лигасида қатнашаётган Тошкентнинг «Бунёдкор» футболчилари сафарда Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Ваҳда» клуби билан ўйнади.

Мамлакатимизнинг 20-миллий чемпионати 5 март куни бошланади. Шу боис ҳар бир футбол клубимиз кейинги босқичга чиқиш учун қолган ўйинларда уюшқоқлик билан бор маҳоратларини намойиш этишларига ишонамиз.

(Ўз муҳбиримиз)

Хушxabар

Сурхондарёда ўрик гуллади

Сурхондарёнинг иқлими ўзига хослиги билан ажралиб туради. Термизга баҳор келиши февралнинг дастлабки ўн кунлигига тўғри келади.



га ташриф буюради. Янгилини ва яшариш фаслининг илк дебначаси бодом ҳам жанубда гуллади. Қир-адирлар янгилини айёмининг сепини ёйди.

— Яқинда ховлимизда бодом гуллади, — дейди Жарқўрғон туманида истиқомат қилувчи Наргиза Каримова. — Кўшимининг уйидаги ўрик ҳам келинчалардек оппоқ либосга бурканган...

Нуроний отахону-онахонларимиз эса ялпиз, исмалоқ барглари юз-кўзларига суриб, яна кўкламга, тирикликнинг баҳорига етганига шукрона келтиришади.

Кайвони момоларимиз яхши ният билан ўстирган бугдой майсалари дошқонларни сумалакка, қалбаларни меҳр-оқибатга тўлдирмоқда. Баҳорнинг тансиқ таомни баҳона дийдорлашган олису яқин қариндош, кўниқўшни, маҳалла-кўй жамулжам...

Ана шундай чиройда тенгсиз, жаннатмонанд ўлкада яшаётганимиз учун шукроналик келтирайлик. Зеро, осмони мусаффо, сархадлари осуда элга байрамлар, тантаная тўйлар ярашади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



Замонавий таълим маскани

Жиззах шаҳридаги 22-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби фаолияти ҳақида

Айни пайтда бу ерда 720 нафар бола таълим-тарбия олапти. 50 нафар малакали ўқитувчи уларга илм-фан сирларини ўргатмоқда. Бугунги кунда мазкур жамоага ўз касбининг устаси, халқ таълими аълочиси Дилфуза Садриддинова раҳбарлик қилмоқда.

— Мактабимизда аниқ фанлар билан бир қаторда инглиз ва рус тиллари чуқур ўргатилади, — дейди у. — 2007 йилдан «Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди»нинг «Ўзбекистонда узлуксиз инклюзив таълимнинг миллий моделини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш» лойиҳаси бўйича ишлаяпмиз. Бундан кўзда тутилган мақсад имконияти чекланган болаларнинг жамиятда мослашуви ва интеграциялашувини яхшилаш, уларнинг соғлом тенгдошлари билан бирга таълим олишлари учун тенг шартлар яратилишдан иборат. Лойиҳа доирасида Навоий, Термиз, Қарши, Самарқанд, Қўқон ва Жиззах шаҳарларидаги синов мактаблари ва болалар боччалари негизда 12 та аралаш синф ва ўқувчилари орасида инглиз тилида уларда 128 нафар имконияти чекланган болалар таълим-тарбия олишапти. Бизда эса бундай болалар сони 7 нафарни ташкил этади. Вазифамиз уларга бўлган умумий муносабатнинг ўзгаришига олиб келиш ва барча болаларнинг бирдек ўқишлари, ривожланишлари, ўсиб-ўлғайишлари учун шарт-шароит, қулай муҳит яратилишдан иборат.

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва умуммиллий давлат дастури доирасида бундан икки йил муқаддам капитал реконструкциядан чиқарилган мактабнинг муҳташам, кўркам биноси, қулай, ёруғ, кенг

синфхоналари, лабораториялари, замонавий ўқув жиҳозлари, зарур техник қўлланмалар, кўرғазмали воситалар ҳар қандай кишини ҳам ҳайратлантириши мумкин.

— Биласизми, бизда кўп нарсалар бошқачароқ, ўзгачароқ ташкил қилинган, — дейди инглиз тили фани ўқитувчиси, «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичи совриндори Барно Мардонова. — Аввало, ўқувчиларни тест синовларидан ўтказамиз ва қобилиятлари, қизиқишлари, иқтидорларига кўра алоҳида-алоҳида синфларга қабул қиламиз. Бу эса улардаги қизиқиш ва интилишларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва тарбиялаш имконини берапти. Ҳатто, саккизинчи ва тўққизинчи синф ўқувчилари орасида инглиз тилида раво сўзлашадиганлари, унча-мунча матнларни ўзбекчадан инглизчага, инглизчадан ўзбекчага ўгиришининг уддасидан чиқадиганлари борлиги эса бизни қувонтиради.

2009 йил охирида бу ерга бир пайтлар ушбу таълим даргоҳини олтин медаль билан тамомлаган, ҳозирда эса Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси Сергей Лебедев ташриф буюрди. Ўқитувчи ва ўқувчилар билан бўлган учрашув гоյат мароқли, жуда қизиқари ўтди.

— Шундай ажойиб, бизлар фақат хаёл

қилган мактабда ўқиётганларини кўриб, очиги, ҳавасим келаяпти, — деди у мактабдошларига қарата. — Сизлар чинакам бахтли болаларсизлар. Бугун сизларнинг сиймонигизда ўзимнинг болалигимни, ўқувчилик давримни кўргандай бўлаяпман, ҳажжонимни босолмаяпман...

— Мактабимиз директори ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам талабчан, — дейди тарих ва ҳуқуқ фанлари ўқитувчиси Феруза Пардаева. — Бевосита у кишининг ташаббуслари, елиб-югуришлари натижада бизда кўпроқ ноанъанавий тарзда, интерактив усулларда дарс ўтиш, инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилган. Бу йўналиш бўйича ўқитувчиларимиз Тошкент шаҳрида, хорижий мамлакатларда малакаларини ошириб қайтмоқда.

Таълим даргоҳи халқаро интернет тармоғига уланган, веб-сайти мавжуд. Бу эса муаллимларнинг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам дунёда кечаётган ҳар қандай янгилик, воқеа-ҳодисалардан, таълим ҳамда фанга оид иxtиролардан дарҳол хабардор бўлишлари, кундалик ишларида улардан ўринли ва унумли фойдаланишларида жуда қўл келмоқда.

— Мактаб — муқаддас даргоҳ, — дейди Дилфуза Садриддинова. — Чунки, унда келажак камол топади. Донишмандлардан бири айтиб ўтганидай, агар келажакни қўлдан чиқаришни истамасангиз мактабни қўлда маҳкам тутмоқ, унда меҳнат қилишни юксак шараф деб англамоқ лозим.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

«Қашқадарё соҳили»

Бу санаторийда юрак-қон-томир, овқат ҳазм қилиш, асаб, таянч-ҳаракат тизими касалликлари билан оғриган беморлар ўз саломатлигини тиклаш имкониятига эга. Тажрибали шифокорлар даволашнинг замонавий, самарали усулларидан, маъданли сув муолажаларидан фойдаланган ҳолда беморларнинг тетик ва бардам бўлишига яқиндан кўмаклашмоқда.



Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган суратлар

Тадбир

Давлат мулкни хусусийлаштиришда қулайликлар

Кўни кеча Давлат мулкни қўмитасида «Хусусийлаштириш — давлат мулкни бўлган объектлардан самарали фойдаланишнинг бош мезони» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Президентимизнинг «2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнлари янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар атрофида таҳлил қилинди. «2011-2013 йилларда давлат мулкни хусусийлаштириш Дастури» лойиҳаси бўйича батафсил маълумот берилди.

Тадбирни Давлат мулкни қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари С.Гафаров очиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 8 июлдаги «Ишламаётган, бўш турган ва қурилми тугалланмаган давлат мулк объектлари негизда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, унинг ижроси билан боғлиқ вазифаларга тўхталиб ўтди. Ушбу Қарорга асосан жорий йилнинг 16 февралдан инвестиция кириштириш мажбурияти билан ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун фаолият юритмаётган, бўш турган ва қурилми тугалланмаган давлат мулк объектларини «ноль» қийматда сотиш бўйича бошланган танлов савдолари тўғрисида маълумот берди.

Макур қарорга биноан 57 та давлат активи сотилиши, аниқроқ қилиб айтганда, «ноль» ҳарид қийматда инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул берилиши режалаштирилган. Ўтган танлов савдолари якунига кўра 10 та давлат активи ўз эгасини топди. Натижада, инвесторлар томонидан 34,3 млрд. сўм ва 42,4 млн. АҚШ доллари миқдорда инвестиция қилиниши, шу тариқа қўшимча 1431 та янги иш ўрни очилиши имконияти туғилди.

Бир мисол, Президентимизнинг 2010 йил 6 майдаги қарорига асосан Қўқон шаҳридаги қурилми тугалланмаган тўқмачилик фабрикасига «Индорама групп» (Сингапур) компанияси 55,0 млн. АҚШ доллари миқдорда инвестиция киритди. Бунинг натижасида эса 500 дан зиёд янги иш ўрни ташкил этилиши кўтилмоқда.

Тоттемир ХУДОЙҚУЛОВ

ОБ-ҲАВО 03-04.03. 2011

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☀ 5°C	☀ 7°C
Самарқанд	☀ 5°C	☀ 10°C
Нўкус	☀ 0°C	☀ 5°C
Қарши	☀ 8°C	☀ 13°C
Урганч	☀ 0°C	☀ 5°C
Навоий	☀ 0°C	☀ 5°C
Фарғона	☀ 3°C	☀ 8°C
Бухоро	☀ 0°C	☀ 5°C
Андижон	☀ 3°C	☀ 8°C
Наманган	☀ 3°C	☀ 8°C
Термиз	☀ 8°C	☀ 13°C
Жиззах	☀ 5°C	☀ 10°C
Гулистон	☀ 5°C	☀ 10°C
Тошкент вил.	☀ 5°C	☀ 10°C
Лондон	☁ 1°C	☁ 3°C
Париж	☁ 2°C	☁ 2°C
Москва	☁ -8°C	☁ -4°C
Мадрид	☁ 1°C	☁ 3°C
Пекин	☁ -1°C	☁ -4°C
Гонгконг	☁ 16°C	☁ 16°C
Рим	☁ 4°C	☁ 4°C
Анкара	☁ 1°C	☁ 3°C
Токио	☁ 1°C	☁ 1°C
Стокгольм	☁ -5°C	☁ -6°C
Кейптаун	☁ 19°C	☁ 17°C
Қоҳира	☁ 11°C	☁ 6°C
Гавана	☁ 19°C	☁ 18°C
Вашингтон	☁ -2°C	☁ -2°C

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAYATI:

- | | | |
|----------------------|-----------------------------|-----------------------|
| Abdulla ORIPOV | Ulug'bek MUSTAFOYEV | Muslihidin MUHIDDINOV |
| Latif G'ULOMOV | Tat'yana KISTANOVA | Andrey KUSTOV |
| Bobir ALIMOV | (Bosh muharrir o'rinbosari) | Andrey KUSTOV |
| Sharbat ABDULLAYEVA | G'afur HOTAMOV | Ochilboy RAMATOV |
| Murodulla ABDULLAYEV | (Bosh muharrir o'rinbosari) | Saidahmad RAHIMOV |

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kотиbiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 349 t — Tijorat materiallari

21781 O'zA yakuni — 20.20 nusxada bosildi. Topshirilgan vaqti — 22.40

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Asror MO'MINOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5